


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БИЛИМ ВА
ИННОВАЦИЯЛАР МИЛЛИЙ МАРКАЗИ**

**Кузги буғдой етиштиришда куз-қиш
ойларида бажариладиган агротехник
тадбирлар бўйича**

ТАВСИЯЛАР



AKIS

**QISHLOQ XO'JALIGIDA BILIM
VA INNOVATSIYALAR TIZIMI**

Тошкент – 2023 йил

Қорақалпоғистон Республикасида сентябр ойининг иккинчи ярмида ғалла экилган майдонларда кузги буғдой тўлиқ туплаш даврини ўтамоқда. “Ўзгидромет” хабарига кўра, октябр ойининг биринчи ярмида ҳавонинг ҳарорати кундуз кунлари +19+22 С⁰, кечалари +13+16 С⁰ бўлиши кутилмоқда. Шимолий ҳудудларда об-ҳавонинг илиқ келиши кузги бошоқли дон экинларининг ўсиши ва ривожланишини тезлашишига сабаб бўлади.

Октябр ойида амалга ошириладиган агротехник тадбирлар

Республиканинг шимолий ҳудудларида **октябр ойи** ғалла парваришlashда амалга ошириладиган агротехник тадбирлар (*минерал ўғитлар билан озиклантириш, суспензия сепиш, суғориш*) учун қулай бўлмоқда. Ғаллачилик кластерлари ва фермер хўжаликлари азотли минерал ўғитлар ва биостимуляторлар билан ғаллани озиклантиришни ташкил этса, азотли ўғитлар ҳамда биостимуляторларнинг самарадорлигини янада ошишига замин яратади.

Биринчидан, экиш муддатларидан келиб чиқиб, кузги буғдойнинг ўсиш ва ривожланиш ҳолатини ўрганиш, эрта ва кеч экилган, туплаган, ривождан орқада қолган ғалла майдонларини аниқлаш;



Иккинчидан, Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий ҳудудида жойлашган Тўрткўл, Беруний, Элликқалъа, Амударё туманларида эрта муддатларда экилган, туплаган кузги буғдойни октябр ойининг биринчи ярмида сульфат аммоний ўғити билан гектарига 150-200 кг ёки карбамид билан 100 кг меъёрда озиклантиришни ташкил этиш;

Учинчидан, шимолий ҳудудларда туплаган кузги буғдойни октябр ойининг иккинчи ярмидан бошлаб, сульфат аммоний ўғити билан гектарига 150-200 кг ёки карбамид билан 100 кг меъёрда озиклантириш;

Тўртинчидан, эрта муддатларда экилган тўлиқ туплаган ғалла майдонларини микроэлементлар билан бойитилган биостимуляторлар билан барг орқали икки марта озиклантиришни амалга ошириш;



Бешинчидан, фосфорли ўғитлар берилмай ёки кам берилган майдонларда таркибида фосфор элементлари бор биостумляторлар билан суспензия сепишни ташкил этиш. Ушбу майдонларда тўлиқ туплагунга қадар ҳаво ҳарорати +5⁰С дан юқори бўлганда IFO-PZN, Геогумат, Узгуми, Гумимакс каби биостимуляторлар билан 1-марта ҳамда тўлиқ туплагандан кейин эса гектарига 6-8 кг карбамидли суспензияга биостимуляторларни (2-3 л/га) қўшиб сепиш яхши самара беради.

Олтинчидан, айрим йиллари шимолий ҳудудларда сентябр ойининг биринчи ўн кунлигида экилган ғалла майдонларини **ғалла ширалари** томонидан ўсимликни майсалик даврида катта зарар етказди. Шираларга қарши ўз вақтида кураш тадбирлари ўтказилмаса 15-20 фоизгача ҳосилга зарар етказди.

Зараркунандалар сони иқтисодий зарар етказиш мезонидан кўп бўлган майдонларда қуйидаги препаратлар билан кимёвий ишлов ўтказиш зарур. Жумладан, “Атилла супер” 10% эм.к инсектициди билан гектарига 70 гр меъёрда, “Каратэ” 5% эм.к инсектициди билан гектарига 0,2 л меъёрда, “Дельта” 10% эм.к инсектициди билан гектарига 80 гр меъёрда, “Химидор” 60% эм.к инсектициди билан

гектарига 35 гр меъёрда, “Агро карат супер” 20% эм.к инсектициди билан гектарига 50 гр меъёрда қўллаш юқори самарадорлик намоён қилади.

Юқоридаги препаратларни белгиланган меъёрларда ва ўз вақтида қўллаш юқори самара беради ва ҳосилни зарарли организмлардан сақлаб қолишни таъминлайди.

Еттинчидан, азотли минерал ўғитлар билан озиклантирилган ва суспензия сепилган ғалла майдонларини зудлик билан пешма-пеш 1000-1200 м³/га меъёрда суғориш ишларини шарбат усулида амалга ошириш.

Октябр ойида бериладиган ўғит ўсимликнинг илдиз системасини ривожланишини кучайтиради ва натижада тупланиш бўғинини йириклашишига сабаб бўлади. Сув эса буғдойнинг илдиз системаси жойлашган ҳайдов қатламида тўпланган шўрни ювади, майсаларнинг ўсиши, ривожланиши тезлашади ва минерал ўғитларни ўзлаштириш бошланади.

Айниқса, ғалла ўсимлигининг ўсиши ўрнига вегетатив органларининг ривожланишига, тупланиш бўғинида 2-3 донагача қўшимча поялар ва баҳорда эса йирик тупланиш бўғинларидан йирик пояларни шакллантиради. Йирик поялардан йирик бошоқлар ҳосил бўлишини таъминлайди.

Ноябр ойида амалга ошириладиган агротехник тадбирлар

Таъкидлаш жоизки, ноябр ойида кечки, ривожланишдан орқада қолган, кузда озиклантирилмаган ғалла майдонларида майсаларнинг ўсиш ва ривожланишини тезлатиш ҳамда илдиз тизимини ривожлантириш учун далага чириган гўнг сепиш, азотли ўғитлар билан озиклантириш ишларини амалга оширилиши ўзининг ижобий самарасини беради.

Биринчидан, кечки муддатларида экилган, ўсиш ва ривожланиши орқада бўлган кузги буғдойни сульфат аммоний ўғити билан гектарига 150-200 кг ёки карбамид билан 100 кг меъёрда озиклантириш;

Иккинчидан, азотли минерал ўғитлар билан озиклантирилган ғалла майдонларида пешма-пеш 900-1200 м³/га меъёрда шарбат билан суғориш ишларини ташкил этиш;

Учинчидан, илдиз тизимини ривожлантириш, шунингдек суғорилгандан сўнг ғалла майдонларида ҳосил бўлган ёриқлар орқали илдизларни совуқдан нобуд бўлишини олдини олиш мақсадида далага 1-1,5 т/га меъёрда чириган гўнг сепиш.

Азотли ўғитлар билан озиклантириш ва суғориш кечиктирилса майсаларнинг ўсиш ва ривожланиши секин бўлади. Куз ойларида намлик ва азот етишмаса, кузги буғдой тупламайди ва 1 м² да бошоқ сонининг камайиши ҳисобига дон ҳосилдорлиги кескин пасаяди.

Озиклантирилмаган ва суғорилмаган, тупроқда намлик етарли бўлмаган қишлоғга кирган ғалла майдонларидаги майсалар совуққа,

шўрга бошқа стресс омилларга берилувчан ҳамда касаллик ва зараркунандаларга тез чалинувчан бўлиб қолади.

Кеч кузда намлик ва азотнинг етишмаслиги ҳисобига буғдойнинг тупламасдан қишлоғга кириши натижасида 1 м² да маҳсулдор поялар сони камаяди ва дон ҳосилдорлигининг кескин пасайиб кетишига сабаб бўлади.

Декабр ойида амалга ошириладиган агротехник тадбирлар

Декабр ойида кеч экилган, ривождан орқада қолган ғалла экинларининг ҳосилига ҳосил қўшиш учун қуйидаги агротехник ишларни амалга ошириш зарур:

Биринчидан, ривождан орқада қолган, сийрак ғалла майдонларига гектарига 1-1,5 тонна миқдорида чириган гўнгни сепиш. Бунда гўнг намни сақлашга, шўрланиш даражасини пасайишига ва суғорилганда озуқа сифатида ҳосилдорликни камида 4-6 центнергача ошишига ёрдам беради.

Иккинчидан, экилган ғалла майдонларида шарбат усулида суғоришни ташкил этиш учун гектарига 5,0 тонна миқдорда маҳаллий ўғитлар захирасини яратиш;



Учинчидан, экилган ғалла майдонларини чорва молларидан пайхон қилинишининг олдини олиш мақсадида четан билан ўраш.

Мамлакатимизда сув ресурсларига бўлган талаб ортаётганлиги билан бирга, сувнинг тақчиллиги ҳам йилдан йилга ошиб бормоқда. 2000 йилгача кам сувли мавсум ҳар 6-8 йилда бир марта кузатилган бўлса, охириги йилларда бу жараён ҳар 3-4 йилда такрорланмоқда.

Тури	Азот, кг/т	5 т/га бўлганда	Фосфор, кг/т	5 т/га бўлганда	Калий, кг/т
Қўй қуруқ гўнги	16	80	5	25	14
Мол гўнги	4	20	2.5	12.5	5
Парранда қуруқ гўнги	34	170	16	80	8
Компост	6	30	2	10	2
Фекал	14	70	4	20	12
Ипак қурти чиқиндиси	50	250	10	50	-

Қорақалпоғистон Республикасида ҳам кузги бошоқли дон экинларини етиштиришда сувни тежашда ёмғирлатиб суғориш технологиясини қўллаш, эгилувчан қувурлардан фойдаланиш, коллектор-дренаж, ариқларни тозалаш, каналлар, коллектор тармоқлари, гидротехник иншоотлар ва бошқа кўпгина объектларни реконструкция қилиш ва қуриш ўта муҳимдир. Бунда;

Биринчидан, ғалла экинларини парваришlashда ёмғирлатиб суғориш технологиясини қўллаш ҳисобига бостириб (кўллатиб) суғоришга нисбатан 40-50 фоизгача сув тежалади ва дон ҳосилдорлигини 8-12 ц/га оширади.



Иккинчидан, фермерлар орасида сувни навбатма-навбат ишлатишни ташкил қилиш, бунда сувни аввал битта далага, кейин эса бошқасига узатилиши натижасида каналдаги сув исрофи 10-20 % га, дала ўқариқларидаги сув исрофи эса 30-35% гача камаяди;

Учинчидан, суғориш ариқларини лойқа ва бегона ўтлардан тозалаш, бетон ва лоток ариқларнинг синган, ёрилган жойларини таъмирлаш тадбирлари ҳам далада сув таъминотини яхшилайдди;

Тўртинчидан, фермер хўжаликларининг сув олиш кулоқларида сувни бошқариш ва ўлчаш иншоотлари билан жиҳозлаш ишлари ҳам сувни адолатли тақсимлаш имконини беради.

Суғориладиган ерларни лазерли текислагичлар билан текислаш, челларнинг кичик (0,2-0,3 га) олиниши ҳисобига ҳам 30-35 фоиз сув тежалади;

сувчилар сонини кўпайтириш ва ҳар 8-10 л/с сувга биттадан сувчи жалб этиш, тунги суғориш ишларини ташкил этиш;

суғоришни шарбат оқизиб ташкил этиш, сувни ташлама ва зовурга беҳуда ташлаб қўйиш, қўллатиб ва захлатиб суғоришга йўл қўймаслик ҳам ўз самарасини беради.

Юқоридаги чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш учун республика, вилоят ва тумандаги барча раҳбарлар қуйидаги топшириқларни амалга оширишлари зарур бўлади:

Биринчидан, тасдиқланган график асосида азотли минерал ўғит бериш тадбирлари ва графигини ишлаб чиқиш, ўғит сепгичлар, ўғит ташийдиган техникаларни ажратиш;

Иккинчидан, суспензия сепиш ишларида фақат штангали пуркагичлардан фойдаланишни ташкил этиш;

Учинчидан, куз ойлари учун суғориш графикларини ишлаб чиқиш.

Юқоридаги агротехник чора-тадбирларни республикамизнинг ғаллачиликка ихтисослашган кластер ҳамда фермер хўжаликлари раҳбарлари томонидан ўз муддатида сифатли амалга оширилиши келгуси йилда ғалладан мўл ва сифатли дон ҳосил олишга замин яратади.

Қишлоқ хўжалик фанлари
доктори, профессор



Ш.Тешаев

Қишлоқ хўжалик фанлари
доктори, профессор



З.Зиядуллаев

Қишлоқ хўжалиги фанлари
бўйича фалсафа доктори



А.Мансуров

Қишлоқ хўжалиги фанлари
бўйича фалсафа доктори



С.Исломов